

## Банкнинг 2015 йилда олган фойдасини тақсимлаш

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 10 июндаги 42-сонли баённомаси билан Банкнинг 2015 йилда олган фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 4 масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. 2015 йил якуни бўйича олинган фойда (аудиторлик текширувидан ўтказилган консолидациялашган молиявий ҳисоботларга мувофиқ) қуйидагича тақсимлансин:
  - Имтиёзли кредитлаш махсус Жамғармасига 1 630 128,8 минг сўм;
  - Умумий мақсадларга мўлжалланган захира фондига – 9 780 772,5 минг сўм;
  - 2015 йилнинг 9 ойи учун оддий акциялар бўйича ҳисобланган оралик дивидендларни тўлаб беришга – 1 212 640,0 минг сўм;
2. 2015 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаб беришга 3 450 минг сўм йўналтирилсин. Реестрга асосан, банкнинг тақсимланмаган фойдасининг қолган қисмидан 40 227 000 дона оддий акцияларга 24,5 фоиз ёки ҳар бир оддий акцияга 245 сўм дивиденд ҳисоблансин. Оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлаб беришга 9 855 615,0 минг сўм йўналтирилсин. Соф фойданинг қолган 9 344 892,7 минг сўм қисми, банкнинг тақсимланган фойда ҳисобварағида тақсимланмаган ҳолда қолдирилсин.
3. Акциядорларга 2015 йил учун оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашнинг бошланиш санаси – 2016 йил 13 июн деб белгилансин, акциядорларга 2015 йил учун оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашнинг тугаш санаси – 2016 йил 8 август деб белгилансин.